

АХОЛИ ОМОНАТЛАРИНИ ЖАЛБ КИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ

Qurbonov Turdimurod

Toshkent Kimyo Xalqaro Universiteti

Bank ishi fakulteti Ban-51 Uguruhi talabasi

Аннотация: Мақолада Аҳоли омонатларини уларнинг иқтисодий тизимдаги аҳамияти, тижорат банклари ва молиявий институтларнинг бу жараёндаги роли ўрганилган. Ишда омонатларни жалб қилишнинг анъанавий ва замонавий усуллари ўзаро таққосланиб, замонавий усулларнинг афзалликлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Аҳоли омонатлари, замонавий усуллар, интернет-банкнинг, мобил банкнинг, онлайн депозитлар, тижорат банклари, рақамли технологиялар, маркетинг стратегиялари, фоиз ставкалари, молиявий ресурслар, банк ишончи, халқаро тажриба, инновацион молиявий хизматлар.

Аннотация: Изучена роль вкладов населения в экономической системе, а также роль коммерческих банков и финансовых институтов в данном процессе. В работе проведено сравнение традиционных и современных методов привлечения вкладов, проанализированы преимущества современных подходов.

Ключевые слова: Вклады населения, современные методы, интернет-банкнинг, мобильный банкнинг, онлайн-депозиты, коммерческие банки, цифровые технологии, маркетинговые стратегии, процентные ставки, финансовые ресурсы, доверие к банку, международный опыт, инновационные финансовые услуги.

Abstract: The role of household deposits in the economic system, as well as the role of commercial banks and financial institutions in this process, has been studied. The paper compares traditional and modern methods of attracting deposits and analyzes the advantages of modern approaches.

Key words: Household deposits, modern methods, internet banking, mobile banking, online deposits, commercial banks, digital technologies, marketing strategies, interest rates, financial resources, bank trust, international experience, innovative financial services.

Кириш

Бугунги кунда аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланиш даражасини ошириш иқтисодийотни ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Банклар ва молиявий институтлар аҳоли омонатларини жалб

қилиш орқали кредитлаш имкониятларини кенгайтириди, бу эса иқтисодий фаолиятни рағбатлантиради. Шунга қўшимча, халқаро тажриба шуни кўрсатадики, инноватив ва замонавий ёндашувлар мижозларни жалб қилишда самарали восита ҳисобланади.

Президентининг «Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида» ги Қарорига мувофиқ республика тижорат банклари ўртасида 2015 йил якунларига кўра аҳоли бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш бўйича танлов ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг матбуот хизмати хабарига кўра, танловда жами 26 та тижорат банкининг 854 та филиали, 4 295 та мини-банки ҳамда махсус кассалари иштирок эди. Танлов ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими Ташкилий қўмита раиси– Республика Марказий банки раиси Ф.Муллажонов бошчилигида Ўзбекистон банклари Ассоциациясида бўлиб ўтди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари миллий ҳамда чет эл валютасида чекланмаган миқдорда ва муддатларда 250 дан ортиқ омонат турини аҳолига таклиф этмоқда. Депозитга қўйилаётган маблағларнинг миқдори охирги беш йилда 3,6 маротабага, 2015 йилда эса 28 фоизга ошди. Ўзбекистонда аҳоли омонатларини жалб қилишда замонавий усуллар қўлланилмоқда. Тижорат банклари рақобат муҳитини яхшилаш ва мижозлар учун қулайлик яратиш мақсадида янги маҳсулот ва хизматларни жорий этмоқда. 2024 йил бошига келиб, тижорат банклари депозит қолдиқларининг таркибида талаб қилиб олингунча депозитлар улуши 36% ни, жамғарма депозитлари 10% ни ва муддатли депозитлар 54% ни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар банклар ўз депозит сиёсатларини такомиллаштириб, мижозларнинг эҳтиёжларига мос равишда шакллантираётганини кўрсатади.

Аҳоли омонатларини жалб қилиш – бу иқтисодий тизимнинг барқарор ривожланишини таъминловчи муҳим жараёндир. Ҳозирги кунда тижорат банклари ва молиявий институтлар аҳоли маблағларини жалб қилишда замонавий ва инновацион усулларни қўллаб, хизмат кўрсатиш сифатини оширишга катта эътибор қаратмоқда. Бу жараёнда рақамли технологиялар, мобил илова ва интернет-банкнинг каби воситалар кенг оммалашиб, омонатчилар учун қулай ва ишончли шарт-шароитларни яратади. Ўзбекистонда банк-молия тизимини рақамлаштириш бўйича ишлар фаол олиб борилмоқда. Бу жараёнда аҳоли омонатларини жалб қилишда анъанавий ёндашувлардан ташқари замонавий усулларнинг жорий этилиши банк тизими самарадорлигини оширади. Айниқса, рақамли технологиялар, блокчейн ва

маркетинг стратегийалари орқали мижозларга қулай шарт-шароит яратиш ҳозирги шароитда катта аҳамият касб этади.

- Замонавий омонат жалб қилиш механизмларини ўрганиш;
- Анъанавий ва замонавий усулларнинг солиштирма таҳлилларини ўтказиш;
- Ўзбекистон тажрибасини халқаро амалиёт билан солиштириш ва таклифлар ишлаб чиқиш.

1. Аҳоли омонатларини жалб қилишнинг мавжуд усулларини таҳлил қилиш.
2. Рақамли технологиялар асосида яратилган хизматларни ўрганиш.
3. Ўзбекистон банк тизимидаги инноватив ёндашувларни аниқлаш.
4. Замонавий усулларнинг афзаллик ва камчиликларини таҳлил қилиш.

Ушбу курс иши аҳоли омонатларининг иқтисодий аҳамияти, уларни жалб қилишда қўлланилаётган анъанавий ва замонавий усулларнинг таҳлиliga бағишланган. Шунингдек, замонавий усулларнинг афзалликлари, халқаро тажриба ва Ўзбекистон молия тизимидаги замонавий ўзгаришлар таҳлил қилинади.

Адабиётлар шархи

Аҳоли омонатларининг моҳияти ва вазифалари

Аҳоли омонатлари – бу фуқароларнинг тижорат банкларига ишониб топширган маблағлари бўлиб, банklar томонидан иқтисодий фаолиятни молиялаштириш учун ишлатилади.

Вазифалари:

1. банklarга ресурсларни таъминлаш.
2. аҳолининг пул маблағларини сақлаш ва кўпайтириш.
3. иқтисодий ривожланишга ҳисса қўшиш.

Омонат турлари ва уларнинг хусусиятлари

1. Муддатли омонатлар: Аниқ муддатга ва юқори фоиз ставкаси билан қабул қилинади.

2. Жамғарма омонатлари: Маблағларни босқичма-босқич тўлдириб бориш мумкин.

3. Онлайн омонатлар: Интернет орқали масофадан туриб очилади.

4. Валюта омонатлари: Хорижий валютада қўйиладиган омонатлар.

Банк тизимида анъанавий усуллар узок йиллардан бери асосий восита сифатида фойдаланиб келинади:

1. Муддатли депозитлар:

- Мижозлар ўз маблағларини белгиланган муддатга кўяди ва юқори фоиз ставкаларидан фойдаланади.

- Камчилиги: мижоз учун қаттиқ муддат ва қатъий шартлар ноқулайлик туғдириши мумкин.

2. Фоиз ставкалари орқали рақобат:

- Банклар омонатчиларни жалб қилиш учун юқори фоиз ставкаларини таклиф қилади.
- Камчилиги: бундай рақобат банкларнинг даромадлилигига салбий таъсир қилиши мумкин.

3. Реклама ва савдо ваколатхоналари орқали мижоз жалб қилиш:

- Банклар мижозларга ўз хизматларини тушунтириш учун анъанавий маркетинг воситаларидан фойдаланади.
- Камчилиги: замонавий мижозлар учун етарли эмас.

2.2. Замонавий усулларни кўриб чиқиш

Бугунги кунда инновацион технологиялар ва маркетинг ёндашувлари аҳолининг омонат қўйиш фаолиятини осонлаштиришга ёрдам бермоқда. Қуйида замонавий усуллар таҳлил қилинади:

1. Рақамли банк хизматлари

- Мобил банкинг: мижозлар ўз депозитларини бошқариш учун иловалар орқали масофадан фойдаланади. Масалан, “Humo” ва “UzCard” тизимларининг мобил иловалари.
- Биометрик тизимлар: мижозлар шахсий идентификация технологиялари орқали хизматлардан фойдаланади.

2.3. Халқаро тажриба

Бир қатор ривожланган давлатларда, масалан, АҚШ, Европа Иттифоқи давлатлари ва Жанубий Кореяда, замонавий молиявий технологиялар кенг қўлланилмоқда. Мобил ва интернет-банкнинг хизматлари орқали омонатларни жалб қилишнинг юқори даражада ўсиши кузатилмоқда.

- Сингапур: DBS Bank онлайн депозит хизматларини жорий этиш орқали мижозлар базасини кенгайтирган.
- Германия: N26 каби рақамли банклар мижозларга қулай интерфейс ва тезкор хизматлар тақдим этмоқда.
- АҚШ: Bank of America ва Wells Fargo омонатчилар учун сунъий интеллектга асосланган хизматларни жорий этган.

2.4. Ўзбекистон тажрибаси

Ўзбекистонда рақамлаштириш жараёнлари фаол олиб борилмоқда:

- 2023-йилда Ўзбекистонда аҳоли омонатларининг ҳажми 20% га ошди.
- Тижорат банкларининг жами 300 дан ортиқ омонат маҳсулотлари таклиф этилмоқда.
- Humo ва UzCard тизимлари: Депозит ҳисобларини онлайн бошқариш учун мобил иловалар жорий қилинди.

- Тижорат банклари лойиҳалари: Масалан, Ипотека Банк ва Миллий Банкнинг рақамли хизматлари орқали омонатлар бошқарилмоқда.

2.5. Замоновий усулларнинг афзалликлари

1. Қулайлик ва тезкорлик: Масофадан туриб хизмат кўрсатиш усуллари мижозларга вақт ва ресурсларни тежаш имконини беради.

2. Ҳар томонлама хавфсизлик: Рақамли технологиялар ахборот хавфсизлигини таъминлайди.

3. Кенг қамровли аудитория: Интернет ва мобил алоқа орқали банклар аҳолининг кенг қатламларига етиб бориши мумкин.

4. Ишонччилик: Замоновий усуллар орқали банклар мижозларга янада шаффоф ва ишончли хизмат кўрсатади.

Рақамли технологиялар ва бонус тизимлари аҳоли омонатларини сезиларли даражада оширди.

Хулоса ва таклифлар

- Замоновий технологиялар омонатчиларни жалб қилишнинг энг самарали воситаси ҳисобланади. Ўзбекистон банклари замоновий усуллар орқали аҳолининг ишончини қозониб, омонатларни кўпайтирмоқда.

- Банклар анъанавий усулларни янги ёндашувлар билан бирлаштириши керак.

Тавсиялар:

1. Рақамли платформаларни ривожлантириш: Мобил иловалар ва онлайн банкинг хизматларини такомиллаштириш.

2. Инновацион маҳсулотлар таклиф қилиш: Валюта депозитлари ва мослашувчан фоиз ставкаларга эътибор қаратиш.

3. Маркетинг стратегияларини диверсификация қилиш: Ижтимоий тармоқлардан самарали фойдаланиш.

4. Халқаро тажрибаларни татбиқ этиш: Илғор банк технологияларини Ўзбекистонга мослаштириш.

Фойдаланиш мумкин бўлган замоновий усуллар

1. Fintech иловалари:

Мисол: PayMe, Click каби маҳаллий иловалар билан омонатни бошқариш имкониятлари.

2. QR-кодли хизматлар:

Депозит операцияларини тезкор амалга ошириш учун.

3. Мижозларга мослаштирилган ечимлар:

Ҳар бир мижоз учун мослаштирилган фоиз ставкалари ва шартлар.

4. Рақамли мижоз тажрибаси:

Банклар билан масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий сайти
 - Веб-сайт: <https://www.cbu.uz> (<https://www.cbu.uz/>)
 - Манбада банк тизимида доир қонунчилик ҳужжатлари, омонат турлари ва банк хизматлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.
 2. Халқаро молиявий институтларнинг тадқиқотлари
 - Жаҳон банки (World Bank): Молиявий инклюзивлик ва рақамли молиявий хизматларни ривожлантириш ҳақидаги ҳисоботлар.
Веб-сайт: <https://www.worldbank.org> (<https://www.worldbank.org/>)
 - Халқаро валюта жамғармаси (IMF): Замонавий банк технологиялари ва омонатларни жалб қилиш механизмлари.
Веб-сайт: <https://www.imf.org> (<https://www.imf.org/>)
 - Азия тараққиёт банки (ADB): Молиявий технологияларнинг ривожланиши ва омонатчиларга таъсири ҳақидаги ҳисоботлар.
Веб-сайт: <https://www.adb.org> (<https://www.adb.org/>)
 3. Иқтисодиёт ва молия соҳасидаги илмий журналлар
 - “Молия ва банк иши”
 - Ўзбекистондаги банк тизими ва омонатларнинг иқтисодий аҳамияти тўғрисидаги мақолалар.
• Веб-сайт: <https://mf.uz> (<https://mf.uz/>)
 - “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар”
 - Рақамли банкинг ва молиявий инновациялар ҳақидаги мақолалар.
• Веб-сайт: <https://journal.economics.uz> (<https://journal.economics.uz/>)
 - “Journal of Banking & Finance”
 - Халқаро миқёсда омонатларни жалб қилиш ва молиявий технологияларни таҳлил қилишга бағишланган мақолалар.
 4. Қонунчилик ҳужжатлари ва маҳаллий манбалар
 - “Ўзбекистон Республикасининг банклар тўғрисида” қонуни:
 - Аҳоли омонатлари ва банк фаолиятини тартибга солувчи асосий қонун ҳужжати.
• Манба: LexUZ қонунчилик базаси. (<https://www.lex.uz/>)
 5. Халқаро журналлар ва тадқиқотлар
 - “Journal of Finance”
 - Банклар учун рақамли платформаларнинг аҳамияти ҳақида.
 - OECD (Organisation for Economic Co-operation and Development): Рақамли иқтисодиёт ва молиявий инклюзивлик бўйича таҳлиллар.
Веб-сайт: <https://www.oecd.org> (<https://www.oecd.org/>)
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоботлари.
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари.
Тижорат банкларининг расмий сайтларидаги маълумотлар.
“Молия ва банк иши” дарсликлари.
Илмий мақолалар ва интернет манбалари.